

Муайян ов қилиш жойларида ов қилиш учун тақиқ белгиланганлиги

Наличие установленных запретов на охоту в определенных охотничьих местах

The presence of established prohibitions on hunting in certain hunting areas

Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси тизими буйича жами 38 овчилик-балиқчилик хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларнинг умумий ов қилиш учун бириктирилган ҳудуди 695334,77 гектарни ташкил этади. Ҳар бир овчилик- балиқчилик хўжаликлари ҳудудининг **10 фоиз** қисми ов қилиш учун ёпиқ бўлган такрор кўпайтириш участкаси қилиб белгиланган. Бу участкаларда ов қилиш тақиқланади.

т/р	Ов қилиш учун тақиқланган жойлар	Ов қилиш жойлари ҳудудидаги тақиқ
1	аҳоли пунктларининг ерлари;	қишлоқ хўжалиги, мелиоратив, ўрмон хўжалиги ишларини ва бошқа ишларни ёввойи ҳайвонларнинг нобуд бўлишига олиб келадиган усулларда амалга ошириш;
2	соғломлаштириш, рекреация ва тарихий-маданий мақсадга мўлжалланган ерлар;	ўзбошимчалик билан ёввойи кушларнинг тухумларини йиғиш, уяларини вайрон қилиш, ёввойи ҳайвонларнинг уйчаларини, инларини ва бошқа уяларини бузиш, бундан ёввойи ҳайвонлар сонини тартибга солиш билан боғлиқ ҳоллар мустасно;
3	мухофаза этиладиган табиий ҳудудлар, агар уларнинг режимида ов қилиш назарда тутилмаган бўлса;	қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ҳамда бошқа тоифадаги ерларда куриган дов-дараҳатларни ва уларнинг қолдиқларини илдизи билан ёкиш;
4	шахарлар атрофидаги яшил зоналар;	ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳити, бўлиш ва урчиш жойларида, шунингдек уларнинг кўчиб ўтиш йўллари бўлган жойларда дов-дараҳатларни йўқ қилиб юбориш, қиёқ, қамиш ва ёввойи ҳолда ўсувчи бошқа ўсимликларнинг чакалакзорларини ёкиш.
5	корхоналарнинг санитария-ҳимоя зоналари;	
6	сув олиш иншоотларининг ҳимоя зоналари;	
7	аэродромлар; темир йўлларнинг ҳимоя зоналари;	
8	чегара олди минтақаси;	
9	хосил йиғишириб олингунуга қадар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар;	
10	тўғонлар, сув айиргичлар, кўприклар ёнидаги, балиқчилик питомниклари, ҳовуз хўжаликлари ва бошқа маданий балиқчилик	

	хұжаликлари чегараларидаги участкалар, агар ушбу объектларни мұхофаза қилиш режимінде ов қилишга доир тақиқ назарда тутилған бўлса.	
--	---	--